*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 194 (8684). ● 10 октябрь, 1985 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

## «ҲОСИЛ—85»

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

● Ўтган куни областимизда жами 15 минг 341 тонна пахта тайёрланди. Шундан 11 минг 146 тоннаси 2570 та терим агрегати ёрдамида йиғиштириб олинди. Ҳар бир машинанинг ўртача иш унумдорлиги 4,3 тоннаданга тўғри келди.

● Пискент районида мавжуд 284 та «зангори кема»нинг ҳаммасидан самарали фойдаланилди. Уларнинг ҳар бирида ўртача 5,7 тоннадан пахта терилди.

● Коммунистик районн механизаторлари ҳам теримда ғайрат кўрсатишмоқда. Бу ерда ишлатилган 193 та терим агрегатининг ўртача иш унумдорлиги 5,4 тоннани ташкил этди.

● Ғалаба, Ўрта Чирчиқ районларида ҳам машина терими жадал суръатларда бормоқда. Ўтган куни Ғалаба райони далаларида мавжуд 435 та машинанинг 403 таси, Ўрта Чирчиқ районида эса 309 та агрегатнинг 290 таси ишлатилиб, ўртача 4,8 ҳамда 4,6 тоннадан пахта терилди.

● Лекин, Чиноз, Бекобод районларида машина терими суст бормоқда. Ўтган куни Чиноз районида мавжуд 136 та «зангори кема»нинг 125 таси ишлатилиб, уларнинг ҳар бирида 2,7 тоннадан пахта терилди. Бекобод районида эса мавжуд 369 та машинанинг 303 таси далага чиқарилиб, терилган пахта ўртача 3,3 тоннага етди.

### МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ОҚҚЎРҒОН. С. Сегизбоев номли совхоз механизаторлари машина терими планини бажардилар. «Зангори кема»лар ёрдамида пландаги 7080 тонна ўрнига 7 минг 300 тоннадан ортиқ пахта йиғиштириб олинди.

Райондаги «Оққўрғон» совхози механик-ҳайдовчилари ҳам айни кунларда терим агрегатларини юксак суръат билан ишлатмоқдалар. Ўтган куни хўжаликда 76 та машинанинг ҳар бирида ўртача 6 тоннадан пахта терилди. Илғор механик-ҳайдовчилар Юсуф Ҳиснуллин, Михаил Ковешников, Эргаш Соғинтоев ўртоқлар 115—145 тоннадан пахта териб, зиммадаги мажбуриятларини бажаришди. Улар мавсумда яна 50 тоннадан пахта териб беришга аҳд қилдилар.

### МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЙРАТИ

● ЎРТА ЧИРЧИҚ. Ўтган куни районда мавжуд 309 та машинанинг 290 таси далаларга олиб чиқилди. Уларнинг ўртача иш унуми 4,6 тоннани ташкил этди. Хўжаликлар ўртасидаги беллашувда Терешкова номли колхоз механизаторлари карвонбошилик қилишяпти. Бу хўжаликда ҳар бир терим агрегатида 7 тоннага етказиб пахта териб олинмоқда.

### 90 ПРОЦЕНТИ — БИРИНЧИ СОРТГА

● БЕКОБОД. «Авангард» совхозининг Абдунаби Абдураҳмонов бошчилик қилаётган бригадаси деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига 160 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортга сотилди. 80 проценти эса машиналар ёрдамида териб олинди. Бригада пахтакорлари давлатга яна 60 тонна хомашё етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишди.

### БЕШ КУНЛИК ҒОЛИБИ

● БЕКОБОД. Ленин номли колхознинг 2-участкаси коллективи сўнгги беш кунлик якуни бўйича ҳам район, ҳам колхоз ғолиби бўлди. Беш кун мобайнида йиллик планнинг 25,33 проценти миқдорида пахта тайёрланди.

Механик-ҳайдовчилар Д. ва Ў. Мирзақулов, А. Эшбоев ўртоқлар 77—83 тоннадан пахта теришди. Илғор теримчилардан З. Аҳмедова, К. Олиёрова ҳамда С. Қурбоноваларнинг ҳозиргача хирмонга тўккан «оқ олтин»лари 4—4,5 тоннаданга етди.

### ЯНГИ МАРРА 40 ЦЕНТНЕР

● ПИСКЕНТ. «Пискент» совхози 7-бўлимининг Усмон Тўрақулов етакчилигидаги бригада аъзолари 101 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан пахта йиғиштириб олиб, йиллик планни бажаришди. Давлатга 280 тонна пахта сотилди. Ҳосилнинг 240 тоннасини механизаторлар Қодир Ёдгоров ва Абдурашид Юнусовлар териб беришди. Коллективнинг янги марраси ҳосилдорликни 40 центнерга етказишдир.

### ДЕПУТАТЛАР ҲИССАСИ

● ПИСКЕНТ. Оқтепа қишлоқ Советининг 20 депутати «Пискент» совхози далаларида меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача уларнинг терган пахтаси 5 тоннадан ошди. Депутатлардан С. Розиқулова, З. Темирова ва М. Хосбековалар кунига 120—150 килограммдан пахта теришяпти.

### ИККИ ДУГОНА ПЕШҚАДАМ

● КОММУНИСТИК. Жахшигул Муродова ва Буойша Эрежеповаларни К. Маркс номли колхозда илғор теримчилар қаторида тилга олишади. Бу бежиз эмас. Икки дугона ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилиб, ҳар куни 120—130 килограммдан пахта теришяпти. Сўнгги беш кунлик якуни бўйича бу икки теримчи ғолиб чиқди.

### СУРЪАТ ПАСАЙМАЙДИ

● БЎКА. Ҳосият Машрапова биринчи йил бригадага бошчилик қиляпти. Шунга қарамай унинг етакчилигидаги коллектив деҳқонлари «Октябрь 40 йиллиги» колхозида биринчилар қатори йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан пахта олинди. Механизаторлардан Тўхтаохун Наврўзов ва Эргаш Мадаминов 95 процент ҳосилни ўз агрегатларида теришди. Имкониятларини қайта ҳисоблаб чиққан бригада деҳқонлари ҳосилдорликни 38 центнерга етказишга, терим суръатини эса пасайтирмасликка аҳд қилишди.

### «САНЪАТКОР» ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ ОЛДИ

● ЧИНОЗ. Район комсомол комитети томонидан ташкил этилган «Санъаткор» комсомол-ёшлар отряди аъзолари ҳашарчилар ўртасидаги мусобақада ғолиб чиқиб, район кўчма Қизил байроғини қўлга киритишди. Отряд ҳашарчилари шу кунгача 20 тонналик хирмон уйиб, мажбуриятларини бажаришди. Бу муваффақиятга ҳар куни 100 килограммдан ошириб пахта тераётган Ойша Қаршибоева, Динора Серикбоева, Турғуной Наврўзбоева сингари ёшлар салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг шу кунгача терган пахталари 2—2,5 тоннадан ошиб кетди. Отряд аъзолари мавсумда яна 10 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олишди.

### УЧ БРИГАДА РАПОРТИ

● ЯНГИЙЎЛ. Калинин номли колхознинг П. Шодиев, Б. Абдураҳмонов ҳамда «Интернационал» колхозининг Ф. Астаров ўртоқлар бошлиқ бригадалари аъзолари ўтган куни ғалаба рапортига имзо чекишди.

П. Шодиев етакчилик қилаётган коллектив аъзолари 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 30,2 центнердан ҳосил олишди. Б. Абдураҳмонов бошлиқ бригада деҳқонлари эса 70 гектар майдондан 184 тонналик хирмон уйишди. Шунингдек, Ф. Астаров бригадаси деҳқонлари мавжуд 31 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан пахта топширдилар. Айни кунларда уччала бригада аъзолари мажбуриятларини ҳам ошириб бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

### ҲАММАСИ ПАХТАКОРЛАР УЧУН

● ЙИҒИМ-ТЕРИМ ҳал қилувчи долзарб паллага кирган шу кунларда пахтакорларга намунали маданий хизмат кўрсатиш бўйича областимизда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. 30 сентябрдан 7 октябргача ўтган давр колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида 74 агитбригада томонидан 223 маротаба концерт қўйиб берилди, дам олиш кечалари ўтказилди. 234 тадан зиёд лекциялар ўқилди. «Чақмоқ» ва «Жанговар варақалар»нинг 175 та сони чиқарилди.

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА



### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун —мавсум бошидан буён машинада (планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Ғалаба | 3,70 | 77,00 | 5,02 | 108,12 |
| Чиноз | 2,60 | 74,00 | 2,70 | 64,08 |
| Янгийўл | 3,37 | 69,52 | 3,12 | 69,16 |
| Оққўрғон | 3,68 | 68,16 | 3,87 | 81,23 |
| Бўка | 3,69 | 64,90 | 3,92 | 74,78 |
| Коммунистик | 4,09 | 64,15 | 5,59 | 86,97 |
| Ўрта Чирчиқ | 4,20 | 63,11 | 4,77 | 73,56 |
| Пискент | 5,60 | 55,84 | 5,97 | 56,40 |
| Бекобод | 2,80 | 51,72 | 2,44 | 40,87 |
| Область бўйича: | 3,72 | 64,71 | 4,12 | 72,75 |

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида маълумот (мавсум бошидан буён, йиллик планга нисбатан процент ҳисобида) Фарғона — 70,33; Хоразм — 69,35; Наманган — 64,07; Бухоро — 62,89; Андижон — 57,31; Қорақалпоғистон АССР — 56,62; Сурхондарё — 53,68; Навоий — 53,16; Самарқанд — 46,20; Сирдарё — 39,28; Жиззах — 38,18; Қашқадарё — 34,21. Республика бўйича — 54,54.

# ФАРОВОНЛИК ПРОГРАММАСИ

**СОВЕТ кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш партиямиз иқтисодий стратегиясининг асосий йўналишларидан биридир. «1986—2000 йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш Комплекс программаси» шу йўлдаги яна бир катта амалий тадбир бўлди. Шунинг учун ҳам бу муҳим программ ҳужжат бутун мамлакатда бўлганидек, областимиз меҳнат коллективларида ҳам катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Редакциямизга жойлардан меҳнаткашларнинг умумий фикр-мулоҳазаларини ифода этувчи мактублар келиб турибди.**

## ДИҚҚАТГА САЗОВОР

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз ҳамиша эл фаровонлигини ошириш йўлида ғамхўрлик кўрсатиб келяпти. Куни кеча матбуотда эълон қилинган «1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш Комплекс программаси»да ҳам бу ғамхўрлик тўла-тўкис ўз аксини топган. Айниқса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан биргаликда уларнинг сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтириш борасида белгиланган режалар диққатга сазовордир.

Албатта, бу программанинг тўлиқ амалга оширилиши барча тармоқ ишчи-хизматчиларидан унумли ва сифатли меҳнат қилишни талаб қилади. Маҳсулот сифатини яхшилашда биз — пахтакорлар ҳам салмоқли ҳисса қўшишимиз керак. Программада табиий хомашёдан фойдаланиб, юқори сифатли газламалар тўқиб чиқаришнинг кенгайтирилиши алоҳида таъкидланган. Демак, биз саноатчиларга қанчалик мўл ва сифатли пахта толаси етказиб берсак, элимиз шунчалик сифатли маҳсулот билан таъминланади.

Шуни қувонч билан айтишим мумкинки, бизнинг бригадамиз аъзолари бу масъулиятни ҳис қилган ҳолда меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Давлатга пахта сотиш юзасидан белгиланган йиллик планимизни районда биринчи бўлиб бажардик. 65 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача 36 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олдик. Энг муҳими шундаки, етиштирилган пахтанинг асосий қисми юқори сортларга сотилмоқда. Мақсадимиз ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказиб, она-Ватанга фақат юқори сифатли хомашё етказиб беришдир.

**Э. ОЧИЛОВ,**
**Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.**

## МАҲСУЛОТ СИФАТЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

ХАЛҚ турмуш фаровонлигини ошириш партия ва ҳукуматимизнинг ҳамиша диққат марказида. «1986—2000 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизматни ривожлантириш Комплекс программаси» бунинг яна бир ёрқин ифодасидир. Комплекс программада барча соҳалар бўйича яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган.

Жумладан, енгил саноат ходимлари 1990 йилда газламалар тўқиб чиқаришни 14—15 миллиард квадрат метрга ва 2000 йилда 18—19 миллиард квадрат метрга етказадилар. Бу маррани эгаллашда мен ҳам ўз ҳиссамни қўшишга қарор қилдим. Ҳозир газламалар тўқиб чиқаришда хизмат зонасини кенгайтириб, учта ўрнига олтита «Коккет» тўқув машинасини бошқараяпман. Тўқилган материаллар аъло сифатли бўлаяпти. Ҳозир менинг меҳнат календаримда 1994 йилнинг апрель ойи бошланган. Бундан буён иш суръатини яна ҳам ошираман. Лекин сифат ҳамиша биринчи ўринда бўлиши керак.

**Машкура ҚОДИРОВА,**
**«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати.**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАЛИ БЎЛСИН

КОМПЛЕКС программада пахта ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини анча яхшилаш вазифаси алоҳида қайд этилган. Бу муаммони ҳал қилишда асосий бойлигимиз ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада институтимиз олимлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институти олимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган тадқиқотлар эътиборга лойиқдир.

Маълумки, кўп йиллар мобайнида республикамизда экин майдонларининг асосий қисми 25—30 сантиметр чуқурликда ҳайдалиб келинарди. Тадқиқотлар бу усулда ернинг устки қисмигина юмшатилишини, пастки қисми эса ўсимлик томонидан фойдаланмайдиган берч ҳолатга айланиб қолишини кўрсатди.

Эндиликда фан ерни 45—50 сантиметр чуқурликда ҳайдаш кони фойда эканлигини исботлади. Бу усул ўсимликларнинг ривожланиши учун катта қулайлик яратади, ҳосил мўл ва баракали бўлади.

Биз ана шу изланишлар натижасини халқ хўжалигига жорий этиб, пахта, сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштиришга, фаровонлик программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшаверамиз.

**З. САЛОҲИДДИНОВ,**
**Тошкент қишлоқ хўжалик институти ўқитувчиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**





● Суратларда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев бошлиқ бригаданинг илғор механизатори Нурмуҳаммад Саидбоев. У кунига 7—8 тоннадан пахта тераётир. Мавсум бошидан буён уйган хирмони 150 тоннага яқинлашиб қолди; бригада далаларида машина терими пайти.

А. Абалян ва А. Зуфаров фотолари.

*Ташаббуси маъқулланган хўжаликда*

# ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН

### ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ССР 5 ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИ ТЎЛА ҚУВВАТ БИЛАН ИШЛАТИБ КУНИГА 5—6 ПРОЦЕНТ МИҚДОРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШГА ЭРИШМОҚДАЛАР

СОВХОЗ идорасига кираверишда хўжаликда пахта йиғим-терими қандай бораётганлигини, бўлимлар, бригадалар, механизаторлар ўртасида ташкил этилган мусобақанинг сўнгги кун натижаларини акс эттирувчи хабарларга кўзингиз тушади. Улардан ташқари бу ердаги маълумотлардан республикамизда, областимизда пахта тайёрлаш суръатини ҳам билиб олиш мумкин. Ҳар куни чиқарилаётган деворий газеталарда даладаги кайфият, иш мароми, илғорлар ва қолоқлар акс этиб турибди.

Совхоз партия ташкилотининг секретари Собир Султонбековнинг иш куни мана шу маълумотларни янгилашдан бошланади.

— Социалистик мусобақа барча учун баравар,— дейди С. Султонбеков.— Ишни қойил қилган сафнинг олдига ўтади. Аксинча, суръатни пасайтириб юборганларни аяш йўқ. Номи қора доскага ёзилади. Бу доскага тушиш эса ҳар кимга ҳам хуш келавермайди.

Таъсирчан усул. Зеро, совхоз дирекцияси, партия ташкилоти бу йил пахта йиғим-теримини ташкил этишга янгича усулда ёндошди. Социалистик мусобақа дастлабки кунларданоқ кучайтирилиб, якунлари қатъий назоратга олинди. Барча иш далага, шийпонларга кўчирилди. Натижаси самарали бўлаяпти. Хўжалик пахта тайёрлаш бўйича райондагина эмас, областда ҳам пешқадамлар сафида бораяпти.

— Хўжалигимизнинг қайси бўлим, бригадасида бўлманг, ишнинг юқори суръатларда бораётганлигини кўрасиз,— деб изоҳ берди бизни далага бошлар экан партком секретари.— Ҳар ким ҳам мусобақада ғолиб чиқиш учун курашмоқда. Бу беллашувда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, илғор пахтакор Энвер Алиев бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари пешқадамлар сафида боришаяпти. Мана бу далалар шу бригадага қарашли. Кўряпсиз, ҳосил мўл. Ваҳоланки, биринчи терим аллақачон тугалланган.

Ҳақиқатан ҳам, йўлнинг икки четидаги карталар оппоқ эди. Сал нарида эса шийпоннинг орқасида бригада бошлиғи етакчилигида терим машиналари бир маромда ишламоқда.

— Мана шу картанинг ҳар гектаридан биринчи теримда 30 центнердан ошириб пахта йиғиштириб олдик,— дейди Энвер ака.— Иккинчи теримда ҳам ҳосилдорлик чакки бўлмаяпти. 12—13 центнерни ташкил этмоқда. Иш шу маромда борса, 37 центнерлик мажбуриятимизни ортиғи билан бажарамиз.

Бу йил мазкур бригада пахтакорлари 110 гектар майдонда етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган. Шу мақсадда барча тадбирлар муддатида ва сифатли ўтказилди. Ғўзалар машинабоп бўлиб етилди. Дефолиация сифатли амалга оширилди. Натижада кўсаклар тез ва текис очилиб, машина теримини барвақт бошлаш имконини берди. Коллективнинг тажрибали механик-ҳайдовчилари Сабри Карачул, Нурмуҳаммад Саидбоев, Ҳайитбой Каримовлар дастлабки кунданоқ 14—15 тоннага етказиб, пахта тердилар. Ҳозиргача уларнинг ҳар бирининг уйган хирмони 110—140 тоннадан ошиб кетди.

— Энг муҳими шундаки, биринчи терим ҳосили юз фоиз биринчи сортга сотилди,— дейди С. Карачул.— Пахтамизнинг толаси пишиқ. Бу ютуғимизнинг яна бир омили даладаги ҳосилнинг 85—90 проценти очилганда теримни бошлаганлигимиздир.

Биргина бу бригадада эмас, совхоз бўйича ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилмоқда. Бу теримда суръат билан сифатнинг бир текисда кўтарилиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу муваффақиятларга сўзсиз совхоз дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг реал эканлиги, бажарилиши назорат қилиб борилаётганлиги туфайли эришилаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Масалан, айни кунларда партия ташкилоти раҳбарлик қилаётган идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар юқори савияда ўтказилмоқда. Партком ҳузуридаги матбуот маркази, айниқса, самарали ишламоқда. Ҳар куни кечқурун бу ерда бажарилган ишнинг натижалари таҳлил қилинади. Ҳар бир механизаторнинг иш натижалари ҳисобкитобдан ўтказилади. Маълумотлар ахборот бюллетенига киритилади. Эрта тонгда эса сўнгги янгиликлар совхознинг барча бўлимларига, бригадаларига етказилади. Механик-ҳайдовчиларга бир нусхадан берилади. Ҳар беш кунда эса кўчма Қизил байроқ кимга текканлиги, ғолиб механизаторлар кўпчиликка хабар қилинади. Бу мусобақанинг ошкоралигини, натижаларни очиқчасига таққослаш имкониятини яратиб, пахта терими суръатининг ҳамма ерда бирдек кўтарилишини таъминламоқда.

— Ҳар бир бригадада сиёсий комиссарлар иш олиб боришаяпти,— дейди С. Султонбеков.— Улар машина терими учун ҳам жавобгардирлар. Агар комиссия текширган картада мўлжалдагидан кўп пахта тўкилган бўлса ёки иш сифатсиз бажарилган бўлса биринчи навбатда сиёсий комиссарлар ҳисоб беришади.

Дарҳақиқат, совхозда бу йил машиналардан унумли фойдаланиш билан биргаликда иш сифатининг юқори бўлишини таъминлаш бош мақсад қилиб қўйилган. Мавжуд 100 та терим агрегатидан ҳар куни кам деганда 95—96 таси теримга чиқарилмоқда. Уларнинг ҳар бирида нормада белгиланганидек пахта теришга эришилмоқда. Механик-ҳайдовчилар ўртасидаги мусобақа шартлари алоҳида ишлаб чиқилган. Унинг ҳар бир бандига қатъий амал қилаётган Собир Шералиев, Сабри Карачул, Медат Давлетов, Эргаш Мақсудов, Абдураим Қосимов, Сервер Сейтаблаев сингари механик-ҳайдовчилар ҳозиргача 110—180 тоннадан пахта териб, мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келишаяпти.

Умуман, шу кунгача совхоз бўйича тайёрланган 9010 тоннадан ортиқ пахтанинг 8600 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Бу борадаги план районда биринчи бўлиб бажарилди. Айни кунларда ҳам ҳар бир терим машинасида кунига ўртача 7 тоннадан пахта теришга эришилмоқда. Механик-ҳайдовчилар умумий ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб беришга сўз беришган.

— Бу реал, бажариладиган ишлар,— дейди совхоз директори Р. Каримов.— Чунки терим техникаларининг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Дала шийпонларида механик-ҳайдовчиларга ўз вақтида иссиқ овқат, чой тайёрлаб берилмоқда. Техник қаров бевосита даланинг ўзида амалга оширилмоқда. Ҳар бир бўлимда биттадан кўчма ремонт устахонаси ва ёнилғи мойлаш материаллари билан таъминловчи машина хизмат кўрсатаётир. Механик-ҳайдовчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошириб борилмоқда.

Совхоз дирекцияси штабида рация ўрнатилган. Бу рация орқали ҳар бир бригада билан алоқа боғлаш мумкин. Агар биронта терим агрегати ишга яроқсиз ҳолга келиб қолса, дарҳол ўша ерга оператив группа чақирилади. Узоғи билан бир соатда ҳар қандай ремонт иши тугалланиб, машина далага киритилади. Ремонт ишлари учун энг тажрибали слесарлар ажратилган.

Терим бункер-тележка-қабул пункти поток усулида ташкил этилмоқда. Шу мақсадда 292 та тележка ажратилган. Етарли миқдордаги транспорт тракторларида ҳосил ўз вақтида қабул пунктларига етказилмоқда.

Ишни ана шундай аниқ ва пухта ташкил этиш, терим агрегатларидан тўла қувват билан фойдаланиш совхозда терим суръатининг бир текисда бўлишини таъминламоқда.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

